

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ТАРКИБИДАГИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
А.Махкамбоев, К.Махкамбоев

Аннотация: Мақолада автотранспорт корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таркибидаги меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда автомобиль корхоналарида меҳнат ресурслари таҳлилининг асосий йўналишлари таҳлили ўрганилган.

Аннотация: В статье рассматриваются показатели эффективности труда в структуре экономического потенциала автотранспортных предприятий и анализируются основные направления анализа трудовых ресурсов автотранспортных предприятий.

Abstract: The article examines the indicators of labor efficiency in the structure of the economic potential of road transport enterprises and the analysis of the main directions of the analysis of labor resources in road transport enterprises.

Калит сўзлар: автотранспорт корхоналари, меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, қиёсланадиган кўрсаткичлар, рентабеллиги.

Ключевые слова: автотранспортные предприятия, показатели эффективности трудовых ресурсов, сопоставимые показатели, рентабельность.

Key words: motor transport enterprises, labor force performance indicators, comparable indicators, profitability.

Кириш

Жамият тараққиётида меҳнат ресурслари муҳим рол ўйнайди. Чунки, айнан инсон меҳнат қилиш жараёнида ишлаб чиқариш кучларини яратади, ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солади. Шу туфайли ҳар бир соҳада инсон, яъни меҳнат ресурси асосий ўринни эгаллайди. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таркибида ҳам меҳнат ресурсларининг ўрни беқиёсдир. Чунки ҳар қандай технология одамнинг иштирокисиз “ўлик” ҳисобланади, чунки у одамсиз ҳаракат қила олмайди. Шу туфайли меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг мамлакат Парламентига мурожаатномасида “Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги

фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт”[1], деб белгилаб берган эди. Шу мазмундаги вазифа 2020 йил 24 декабрдаги Мурожаатномасида ҳам қайд этилди. Аҳоли ҳаётини юксалтиришнинг муҳим йўналишларидан бири меҳнатга муносиб тарзда ҳақ тўлашдан иборатдир. Ҳақиқатда, 2011 йилда соҳа ходимларининг ўртача иш ҳақи 516518,0 сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб, 1024277,0 сўмни ташкил қилган. 2019 йилда 1289899,6 сўмгача кўтарилган. Бошқача айтганда шу давр мобайнида ходимларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 2,5 баробарга (1289899,6 / 516518,0) ошган. Фикримизча бу ҳали етарлик эмас. Шу туфайли янги Ўзбекистонда аҳолининг яшаш даражаси ва фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилаётган ҳозирги даврда, ходимларнинг ўртача иш ҳақини ошириш масаласига бутун тадбирларни сафарбар қилишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида бир томондан ишсизлик мавжуд бўлса, иккинчи томондан ҳар бир соҳани инновацион ривожлантиришни таъминлайдиган кадрларга ҳам муҳтожлиги бор. Ушбу ҳолат нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки ҳар бир соҳа ва хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида ҳам ходимларни сон ва сифат жиҳатидан чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан автомобиль транспорти корхоналарида ҳам белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш авваламбор, уларнинг ишчи кучи билан таъминланганлигига боғлиқ.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Мазкур масала юзасидан турли илмий талқинлар ва қарашлар мавжуд. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили бўйича хорижлик олимлардан, А.Д.Шеремет [2], С.С.Гаврилова [3], Г.В.Савицкая [4] кабилар тадқиқот олиб борганлар. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан М.Қ.Пардаев [5], Ж.И.Исроилов[6], Б.А.Ҳасанов, М.Э.Пулатов ва бошқалар[7] ҳам мазкур масаланинг у ёки бу жиҳатларини ёритганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, адабиётлар меҳнат ресурслари билан ишчи кучи атамалари асосан синоним сифатида ишлатилиб келинмоқда. Аммо назарий жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади.

Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлашнинг методологик йўналишларини тадқиқ қилиш учун албатта меҳнат ресурслари самарадорлиги тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

Одатда самарадорлик тушунчасини тўлиқ англаб етиш учун энг аввало, “самара”, “самарадор”, “самарадорлик” атамаларнинг мазмунини очиб бериш лозим. Чунки, ушбу атамалар кўпгина адабиётларда синоним сифатида

каралса, айримларида уларнинг назарий жиҳатдан фарқига етарли даражада аҳамият берилмайди. Оқибатда самарадорлик билан боғлиқ кўпгина назарий масалаларда ҳам, мос равишда амалиётда ҳам анча чалкашликларга дуч келиниши мумкин.

Ушбу тушунчаларга олдинги икки жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, мустақиллик йилларида нашр қилинган беш жилдлик луғатда ҳам ушбу атамаларнинг изоҳи келтирилган. Жумладан, “самара” сўзига куйидагича изоҳ берилган. “Самара” натижа, оқибат; мева, деган маъноларни англатиши айтилган[8]. “Самарадор” сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул деб изоҳланган. “Самарадор меҳнат”ни унга мисол тариқасида келтириб қўйган. “Самарадорлик” атамасини самарадор сўзининг изоҳига киришни кўрсатиб, иқтисодий самарадорлик, меҳнат самарадорлигини оширмақ каби сўзлар билан изоҳланган[8].

Кўпгина адабиётларда “Меҳнат” сўзи ходимларнинг ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ онгли, бирорта мақсадга қаратилган фаолияти тушунилиши келтириб ўтилган. Ушбу атамадан кишиларнинг маълум тоифасини аниқлашда фойдаланиши ҳам маълум.


Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарларида корхонанинг меҳнат ресурслари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили умумий тарзда ёритилган. Аммо, автотраспорт корхоналари мисолида деярли ёритилган эмас. Шунинг эътирофи этиш керакки, мамлакатимизда ҳозирги шаклланган иқтисодиёт бутунлай янги йўналишда олиб борилмоқда. Бу иқтисодиётнинг олдинги ҳолатига нисбатан ҳам, хорижий мамлакатлардаги ўхшаш соҳаларига нисбатан ҳам ўзига хос хусусиятлари жуда кўп. Айнан шу ҳолат мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш заруратини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар

Автомобиль транспорти корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлил қилиш ҳозирги кунда учта йўналишда олиб борилиши лозим: биринчидан, иш кучи – ходимлар сонининг таҳлили, иккинчидан, иш вақтидан самарали фойдаланиш даражасининг таҳлили ва учинчидан, меҳнат ҳақи ва меҳнатни рағбатлантириш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги куйидаги расмда келтирилган.

Одатда ушбу кўрсаткичлар макро ва микро даражада таҳлил қилинади. Аммо иш вақти ва ундан самарали фойдаланиш масаласи ҳар бир иш жойида ва корхоналарда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, иш вақтидан фойдаланиш масаласи ҳар бир шахсда ўзига хос ва хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўрнатилган интизомга мос ҳолда шаклланади. Аммо ҳозирги пайтда ходимларнинг иш вақтига унчалик аҳамият берилмаяпти. Зеро, меҳнатнинг натижадорлиги, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг

ҳажми муҳим бўлиб қолмоқда. Бироқ иш вақтига алоҳида аҳамият берилиши инсон қомолоти учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда жамият тараққиётини сифат даражасига кўтариш учун инсон капитали сифатини ошириш, интеллектуал мулкни шакллантириш ҳақида гап кетар экан албатта ходимларнинг иш вақтини ва ундан орттирилган бўш вақтини самарали ташкил қилиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Чунки, ходимлар меҳнатининг самарадорлиги фақат уларнинг меъёрдан кўпроқ сарф қилган иш вақти билан эмас, балки шу иш вақтидан қай даражада фойдаланганлиги, яъни белгиланган вақтда қанча нарса яратилганлиги билан белгиланади.



1-расм. Автомобиль транспорти корхоналарида меҳнат ресурслари таҳлили [9]

Ходимлар фаолияти самарадорлиги таҳлил қилинганда ҳар бирининг иш вақтидан қатъий назар нимани қандай бажараётганлиги билан эмас, шу вазифани белгиланган иш вақтида қандай сифатли бажараётганлиги билан ҳам ўлчанишига алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Меҳнат ресурсларини таҳлил қилишнинг биринчи босқичида умумий ҳолатни билиш учун Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юк ташиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда ишловчи ходимлар сони ва номинал миқдордаги умумий ва ўртача иш ҳақининг 2011-2019 йиллардаги динамикасини ўрганишдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони 2011-2019 йиллар давомида 78,8 %га

ошган. Аммо бунинг ўсиш тенденциясида бироз нотекис ривожланиш юз берганлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони ва номинал миқдордаги умумий ва ўртача иш ҳақининг 2011-2019 йиллардаги динамикаси [10]

Йиллар	Ходимлар сони		Иш ҳақи фонди, номинал миқдорда,		Ўртача ойлик, номинал миқдорда,	
	Киши	Ўсиш суръати, %	Суммаси, млн. сўм	Ўсиш суръати, %	Суммаси, сўм	Ўсиш суръати, %
2011	13713	100,0	84996,1	100,0	516518,0	100,0
2012	10371	75,6	78372,4	92,2	629740,1	121,9
2013	9728	70,9	87612,7	103,1	750519,8	145,3
2014	10465	76,3	110464,6	130,0	879635,1	170,3
2015	13527	98,6	146230,0	172,0	900852,8	174,4
2016	19984	145,7	218761,9	257,3	912237,7	176,6
2017	21922	159,9	243899,2	287,0	927147,7	179,5
2018	23245	169,5	285697,9	336,1	1024277,0	198,3
2019	24519	178,8	316270,5	372,1	1289899,6	249,7

Жумладан, мазкур кўрсаткич 2013 йилгача пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 2011 йилга нисбатан 29,1 %га (100,0 – 70,9) камайган. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 76,3 %ни ташкил қилган. 2015 йилда 2011 йилга нисбатан эса, 98,6 %ни ташкил қилган. 2016 йилдан бошлаб 2011 йилга нисбатан ортиғи билан ўсиш рўй берган ва 2018 йилда ўсиш суръати 169,5 %ни ташкил қилган бўлса, таъкидланганидек, 2019 йилди 178,8 %га ошган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, иш ҳақи фондининг номинал миқдори таҳлил қилинаётган 2011-2019 йилларда муттасил ўсиб борган. Фақат ходимлар сони камайганлиги учун 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 7,8 % кам (100,0 – 92,2) бўлган. Қолган даврларда иш ҳақининг номинал миқдорди муттасил ўсиб борган ва унинг ўсиш суръати 2018 йилда 336,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 372,1 %га тенг бўлган. Иш ҳақининг ходимлар сонига нисбатан ўсиш тезлиги қарийб 1,5 мартани (372,1 / 178,8) ташкил қилади. Ушбу ҳолат ходимларнинг ўртача иш ҳақининг ошишига олиб келади. Ҳақиқатда ходимлар ўртача иш ҳақининг номинал миқдори шу даврда 249,7 %га ошган.

Автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарда банд бўлган барча ходимларни таҳлил қилишда уларни икки туркумга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: бевосита юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи асосий ходимлар ва раҳбарлар, мутахассислар ҳамда бошқа хизматчилар. Ўз навбатида бевосита юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи асосий ходимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: хайдовчилар ва бевосита

автомобилларга хизмат қилувчи ходимлар. Ушбу қайд этилган ходимлар юк ва йўловчи ташиш ишларида бирдай қатнашмайди. Шу туфайли таҳлил жараёнида уларни ўрганишга ҳам турлича ёндошувлар бўлмоғи лозим. Агар, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар сони бўйича фақат мутлоқ фарқни аниқлаш етарли бўлса, ҳайдовчилар ва бевосита автомобилларга хизмат қилувчилар сони бўйича бажарилган иш ҳажмининг (ташилган юк, йўловчи ва бошқа кўрсаткичлар) ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда нисбий фарқ ҳам аниқланади.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида ҳолатга реал баҳо бериш учун умумий ходимлар ҳамда ҳайдовчилар ва бевосита автомобилларга хизмат қилувчи ходимлар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш лозим бўлади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш усули қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин. Ҳайдовчилар ва бевосита автомобилларга хизмат қилувчи ходимларнинг ўтган йилдаги сонини ($X_{\text{ўй}}$) бажарилган иш ҳажмининг (ташилган юк, йўловчи ёки кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сўмдаги ифодаси) ўтган йилга нисбатан аниқланган ўсиш суръатига ($\Delta Q_{\text{нф}}$) кўпайтирилиб, сўнгра юзга бўлинади. Ушбу кўрсаткич ҳайдовчиларнинг ўтган йилдаги қайта ҳисобланган миқдорини кўрсатади, яъни иш ҳажми шунчага ўсганда таҳлил қилинаётган кўрсаткич қанча бўлиши мумкин эди, деган фаразни билдиради. Шу тариқа ҳисобланган кўрсаткич ҳайдовчи ва автомобилларга хизмат қилувчиларнинг жорий йилдаги ҳақиқий сони (X_x) билан таққосланади. Олинган натижа ишчилар сони бўйича нисбий фарқни ($\Delta X_{\text{нф}}$) кўрсатади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta X_{\text{нф}} = X_x - \frac{X_{\text{ўй}} * \Delta Q_{\text{нф}}}{100};$$

Ҳодимлар сонининг нисбий фарқи, уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига бевосита баҳо бериш имконини яратади. Агар ушбу кўрсаткич ошган бўлса, меҳнат унумдорлигининг ўсганлигидан далолат беради. Агар нисбий фарқ кам бўлса, меҳнат унумдорлигининг камайганлигини ифодалайди. Шу туфайли қисқагина меҳнат унумдорлигининг мазмунига эътиборни қаратамиз. Чунки режали иқтисодиёт шароитида ушбу кўрсаткич ўта муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланар эди. Аммо бозор муносабатлари шаклланиши билан хусусий мулклар ҳиссасининг ортиши унга эътиборни бироз сусайтирди. Бироқ бугунги тез ривожланаётган ва ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари модернизация қилинаётган пайтларда оддий экстенсив йўл билан ўсиш бироз мураккаблашиб қолди. Энди ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти янада ошмоқда. Шу туфайли меҳнат кўрсаткичларини таҳлил қилганда ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш даражасини албатта инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Меҳнат унумдорлигининг ошганлиги билвосита қарайдиган бўлсак,

ходимларнинг (ишчи ва хизматчиларнинг) мутлоқ ва нисбий фарқида ўз ифодасини топади. Юқорида айтилганидек, ишчилар сони бўйича мутлоқ фарқни аниқлашдан ташқари яна нисбий фарқни ҳам аниқлаш керак.

Маҳсулот ҳажмини муттасил ошириб борадиган ва шу асосда халқнинг турмуш фаровонлигини, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга олиб келадиган муҳим омил – меҳнат унумдорлиги бўлиб ҳисобланади. Муҳтарам Президентимизнинг фармон ва қарорларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, барча ҳудудларда ривожлантириш масаласини устувор вазифа қилиб белгилаб берилган. Бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда иш кўламини кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш билан бирга меҳнат унумдорлигини ҳам муттасил ошириб бориш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу зарурият ўз навбатида, меҳнат билан боғлиқ кўрсаткичларни, хусусан меҳнат унумдорлиги таҳлилинини ҳам чуқур илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Автотранспорт корхоналарида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари жуда кўп. Бундай омилларга ташиш (юк ва йўловчи), ортиш, тушириш каби жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги машиналарни харид қилиш, илғор технологияларни жорий қилиш, ишлаётган дастгоҳларни замонавийлаштириб, улардан самарали фойдаланиш, ташиш хизматларини кўрсатишда меҳнатни инновацион тарзда ташкил этишни яхшилаш, иш вақтидаги йўқотишларни тугатиш, илғор тажрибалардан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини тўғри йўлга қўйиш кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги кунда меҳнат ҳолати ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича рейтингини аниқлашда ҳозирги иқтисодий-ижтимоий сиёсат талабларини ҳам инобатга олиш лозим бўлмоқда. Чунки корхоналарда меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимизда ишсизлар сонининг камайишига ҳисса қўшишини инобатга оладиган янги иш ўринларини яратишлик даражасини ҳам назарда тутиш лозим бўлмоқда. Автотранспорт корхоналарининг меҳнат билан боғлиқ рейтингини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичларига иккита йўналишда қаралиши мақсадга мувофиқ. Биринчиси, автотранспорт корхоналарида ходимларнинг ҳаракатчанлиги билан боғлиқ кўрсаткичлари ва иккинчиси, автотранспорт корхоналарида меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардан иборат. Шундай қилиб, меҳнат кўрсаткичлари рейтингини

аниқлашда қўлланиладиган қуйидаги кўрсаткичларни киритишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

2-жадвал

Автотранспорт корхоналарида меҳнат билан боғлиқ рейтингини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[10]

Т/р	Кўрсаткилар	Аниқланиш йўллари	Изоҳи
1.	Автотранспорт корхоналарида ходимларнинг ҳаракатчанлиги билан боғлиқ кўрсаткичлари		
1.1.	Кадрларнинг доимийлик коэффициенти (Ккд)	$K_{kd} = D_{ix} / X_{\dot{c}}$	D_{ix} – бир йил давомида доимий ишлаган ходимлар
1.2.	Ходимларни қабул қилиш коэффициенти (Ккқ)	$K_{kq} = K_{qx} / X_{\dot{c}}$	K_{qx} – янгидан ишга қабул қилинган ходимлар
1.3.	Ходимларнинг чиқиб кетиш коэффициенти (Ккч)	$K_{kc} = C_{kx} / X_{\dot{c}}$	C_{kx} – ишдан чиқиб кетган ходимлар
1.4.	Ходимларни қўнимсизлик коэффициенти (Кк)	$K_k = \dot{Y}_{ck} / X_{\dot{c}}$	\dot{Y}_{ck} – ўз ихтиёри билан ариза берган ва мажбуран ишдан бўшатишган ходимлар
1.5.	Янги иш ўринларини яратишлик коэффициенти (Кяў)	$K_{y\ddot{u}} = Y_{i\ddot{u}} / X_{\dot{c}}$	$Y_{i\ddot{u}}$ – яратилган янги иш ўринлари
2.	Автотранспорт корхоналарида меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар		
2.1	Автотранспорт ходимлари меҳнат унумдорлиги, млн. сўм (M_y)	$M_y = Q / X_{\dot{c}}$	Q – сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажми
2.2.	Меҳнат унумдорлиги эвазига эришилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми, млн. сўм (ΔQ_{mu})	$\Delta Q_{mu} = 100 - \frac{\Delta X_c * 100}{\Delta Q};$	
2.3.	Автотранспорт ходимларида меҳнатнинг фойдалилиги, млн. сўм	$M_f = \Phi / X_{\dot{c}}$	Φ – хизмат кўрсатишдан олинган фойда

2.2. формулада ΔX_c – автотранспорт корхоналарида банд бўлган ходимлар сонинг ўсиш суръати, ΔQ – кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ифода этилган.

Жадвалда келтирилган меҳнат кўрсаткичларига амалий маълумотлардан фойдаланиб, автотранспорт корхоналарида меҳнат билан боғлиқ рейтингини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг миқдорини аниқлаб, улар асосида рейтинг кўрсаткичларини ҳисоблаш йўлларини қараб чиқиш мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти таркибидаги меҳнат ресурсларини таҳлил қилиш қилиш йўлларини ўрганиш жараёнида бир қанча илмий-назарий ва амалий хулосаларга келинди.

1. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таркибида меҳнат ресурслари, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ўрганилди. Бунда автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган меҳнат ресурсларини таҳлил қилиш ҳозирги кунда учта йўналишда олиб борилиши асосланди. Буларга, биринчидан, иш кучи – ходимлар сонининг таҳлили, иккинчидан, иш вақтидан самарали фойдаланиш даражасининг таҳлили ва учинчидан, меҳнат ҳақи ва меҳнатни рағбатлантириш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш масаласини киритиш кўрсатиб ўтилди.

2. Автотранспорт корхоналарида меҳнат кўрсаткичлари билан боғлиқ масалалар таҳлилида албатта унинг ишчи кучи билан таъминланганлигини таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилиши лозимлиги асосланди. Бунда соҳанинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишчилар (хайдовчилар) сони бўйича мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари ёритилди.

3. Бугунги кунда автотранспорт корхоналари самарадорлигини ошириш ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун соҳага кирувчи корхоналарнинг меҳнат кўрсаткичлари бўйича рейтингини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Бунда меҳнат муносабатларининг ҳолати ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича рейтингини аниқлашда ҳозирги иқтисодий-ижтимоий сиёсат талабларини инобатга олиб, уларда яратилган янги иш ўринларини, мамлакатимизда ишсизлар сонининг камайишига ҳисса қўшишини инобатга оладиган янги иш ўринларини яратишлик даражасини ҳам назарда тутиш лозимлиги асосланди.

4. Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири меҳнат муносабатлари билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича корхоналарнинг рейтингини аниқлашдан иборатдир. Автотранспорт корхоналарида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича корхоналарнинг рейтингини аниқлаш учун 8 та кўрсаткичдан фойдаланиш тавсия қилинди. Буларни жамлаш учун ҳар бир кўрсаткични бир қанча талабларга жавоб беришини таъминлаш лозим бўлади. Буларга: кўрсаткичларнинг миқдорини бир хил ўлчамга келтириб олиш, ҳар бир кўрсаткичнинг йўналишини ҳам бир хил ўлчамга келтириш, яъни кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши ижобий бўлишини таъминлаш лозим бўлади, чунки кўрсаткичлар тизимида айрим кўрсаткичлар борки уларнинг кўпайиши (масалан, харажатлар) салбий ҳолатни ифодалайди, ҳар бир кўрсаткичнинг рейтингни баҳолашдаги моҳияти ҳам тенглаштирилган бўлиши лозим ва ниҳоят, ушбу талаб ҳар бир кўрсаткич бўйича моҳиятлилик коэффицентини

ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, автотранспорт корхоналарининг меҳнат билан боғлиқ рейтингини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди ва унга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти таркибидаги меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш бўйича тадқиқотларимиз, соҳада иқтисодий салоҳият самарадорлигини ошириш бўйича оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.uza.uz
2. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет.,
3. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет.,
4. Гаврилова С.С. Экономический анализ.-М.: Эксмо, 2006. – 144 с.
5. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Самарканд: Зарафшон,2001.- 272 б.
6. Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 64 бет.
7. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012.- 400 бет.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. Ш. Н-Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
9. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
10. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.
11. Мазкур жадвал мавзу бўйича нашр қилинган асарларни ва ҳозирги замон талабларини ўрганиш асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.